

## **Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Сув хўжалиги вазирликлари ва Автомобиль йўллари қўмитасининг бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятининг 2021 йил учун белгиланган самарадорлик индикаторлари ижроси юзасидан ўрганиш**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 декабрдаги ПҚ-4938-сон қарорига мувофиқ, **Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Сув хўжалиги вазирликлари Автомобиль йўллари қўмитасининг** бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятининг самарадорлиги индикаторлари тасдиқланган.

Ҳисоб палатаси томонидан 2021 йил давомида ушбу индикаторларнинг ижроси устидан доимий назорат ўрнатилиб, йил якуни билан жойига чиққан ҳолда ўрганилди ҳамда амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумот иловага мувофиқ тақдим қилинмоқда.

### **I. Соғлиқни сақлаш вазирлиги бўйича**

2021 йил учун Давлат дастурлари ва бюджет харажатларининг мақсадли индикаторлари учун дастлаб **2 151,6 млрд сўм** маблағ кўзда тутилган бўлиб, йил давомида харажатлар сметаларига тегишли ўзгартиришлар киритилган ва аниқланган режа **2 053,1 млрд сўм**ни ташкил этган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақдим этилган маълумотга кўра, 2021 йил давомида харажатлар **2 029,2 млрд сўм**ни (98,8 фоиз) ташкил этган бўлиб, аниқланган режага нисбатан **23,9 млрд сўм** маблағ ишлатилмасдан қолган.

Ҳисоботлардаги рақамларнинг ҳаққонийлиги ўрганилганда, Соғлиқни сақлаш вазирлигига юклатилган вазифалар ижросини сифатли таъминлаш бўйича **етарли ишлар амалга оширилмаганлиги** аниқланди.

**1. Соғлиқни сақлаш вазирлигида дастурлар ижроси бўйича аниқ ҳисоб-китоблар мавжуд эмас.**

Жумладан, 2021 йил учун аниқланган харажатлар режаси Ҳисоб палатаси учун ҳисоботда (20.01.2022 йил 23-02/1794-сон) **2 051,3 млрд сўм**ни (ижро – **2 027,4 млрд сўм**), Олий Мажлис Қонунчилик палатаси учун ҳисоботда

(14.02.2022 йил 01-02-116/4825-сон) **2 053,1** млрд сўмни (ижро – **2 029,2** млрд сўм) ташкил этиши тўғрисида **бир-бирига зид маълумот тақдим этилган.**

Шунингдек, ўрганишда Соғлиқни сақлаш вазирлигида Давлат дастурлари параметрларига киритилган ўзгаришларни **тасдиқловчи хужжатлар мавжуд эмаслиги** аниқланди.

**2.** 2021 йил учун мақсадли индикаторлар ижроси кўрсаткичлари **сунъий равишда ошириб кўрсатилган.**

Хусусан, 2021 йилда **350 нафар** нейросенсор карлик ёки заиф эшитадиган болаларга кохлеар имплантат ўрнатиш белгиланган бўлиб, вазирлик томонидан тақдим этилган ҳисоботда **429 нафар** (122,6 фоиз) бола кохлеар имплантатлар билан таъминланганлиги кўрсатилган.

Ўрганиш давомида Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази ва “MED-EL Elektromedizinische Geraete GmbH” компанияси ўртасида тузилган импорт шартномаси (2021 йил 2 ноябрдаги TP21/1-2021-сон) доирасида 2021 йил маблағлари ҳисобидан **233 дона** кохлеар эшитиш мосламасини етказиб берилган аниқланди.

Шундан, 2022 йил 1 январь ҳолатига нейросенсор карлик ва (ёки) заиф эшитадиган болаларга **114 дона** (дастурга нисбатан 32,6 фоиз) кохлеар имплантлари ўрнатилган.

Бунинг асосий сабаби – ушбу нейросенсор карлик ёки заиф эшитадиган болаларга кохлеар имплантатларини ўрнатиш ишлари **ўз вақтида молиялаштирилмаган.**

**3.** 2021 йилда янгидан қурилган, реконструкция қилинган ва мукамал таъмирланган соғлиқни сақлаш объектлари бўйича **ҳаққоний маълумотлар тақдим этилмаган.**

Хусусан, вазирлик маълумотига кўра 2021 йил учун ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида **131 та** соғлиқни сақлаш объекти бўйича **1 200,0** млрд сўм маблағ ўзлаштирилган.

Ўрганиш давомида **3 та** объект 2021 йил учун ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастуридан **чиқарилганлиги, 80 та** соғлиқни сақлаш объектлари қўшимча киритилиб, жами **208 та** объект бўйича **1 389,7** млрд сўм маблағ ўзлаштирилганлиги аниқланди.

**4.** Тақдим этилган ҳисоботлар орасида **узвий боғлиқлик мавжуд эмас** ҳамда **нотўғри маълумотларни тақдим этиш ҳолатлари** мавжуд.

Хусусан, Малакали хорижий тиббиёт мутахассисларини жалб этиш ҳамда кадрларни қайта тайёрлаш, уларнинг малакаси ва касб кўникмаларини оширишни самарали ташкил этиш дастури бўйича 2021 йил 9 ойлик якуни

билан тақдим этилган ҳисоботда **17 нафар** мутахассис қайта тайёрланган деб кўрсатилган бўлса, 2021 йил якуни билан тақдим этилган ҳисоботда 2021 йил 9 ойликда **13 нафар** мутахассис қайта тайёрланган деб кўрсатилган.

## **II. Халқ таълими вазирлиги бўйича**

2021 йил учун Давлат дастурлари ва бюджет харажатларининг мақсадли индикаторлари учун дастлаб **3 313,6 млрд сўм** маблағ кўзда тутилган бўлиб, йил давомида харажатлар сметаларига тегишли ўзгартиришлар киритилган ва аниқланган режа **4 167,8 млрд сўм**ни ташкил этган.

1. Халқ таълимида ўқитиш самарадорлигини ошириш ва кадрларнинг сифат таркибини яхшилаш ва ривожлантириш дастури доирасида Европа Иттифоқи талаблари С1-CEFR даражасига мувофиқ билимга эга бўлган инглиз тили ўқитувчилари улушини **10 фоиз**га етказиш белгиланган.

2022 йил 1 январь ҳолатига инглиз тили ўқитувчиларнинг умумий сони **45 650 нафар** бўлиб, шундан **3 401 нафари** (7,5 фоиз) С1-CEFR даражасига мувофиқ билимга эга бўлган ўқитувчиларни ташкил этиб, индикатор кўрсаткичи **бажарилмаган**.

2. Халқ таълими соҳасида ислохотларга кўмаклашиш дастури доирасида **43 та** лойиҳаларни амалга ошириш учун **141,1 млрд сўм** маблағ режалаштирилган. Шундан жами **4 483,2 млрд сўм**лик **4 та** лойиҳа бўйича **ишлар бошланмаган**.

Жумладан А.Авлоний номидаги халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институти билан:

- “Upgrade” лойиҳасини амалга ошириш юзасидан шартнома (13.04.2021 йил ТТТ 2021-05-сон) доирасида 2022 йил 1 январга қадар амалга оширилиши лозим бўлган **1 159,4 млн сўм**лик;

- “Qualification” лойиҳасини амалга ошириш юзасидан шартнома (31.08.2021 йил ТТТ 2021-13-сон) доирасида 2022 йил 1 январга қадар амалга оширилиши лозим бўлган **1 000,8 млн сўм**лик;

- “Узлуксиз касбий ривожлантириш-2022” лойиҳасини амалга ошириш юзасидан шартнома (21.08.2021 йил ТТТ 2021-12-сон) доирасида 2022 йил 1 январга қадар амалга оширилиши лозим бўлган **1 572,0 млн сўм**лик;

- Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис маркази билан тузилган шартнома (25.08.2021 йил ТТТ/2021-11-сон) доирасида 2022 йил 1 январга қадар амалга оширилиши лозим бўлган **751,0 млн сўм**лик ишлар **бошланмаган**.

**3.** Халқ таълими муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича инвестиция дастури доирасида умумтаълим мактабларини компьютер синфлари билан таъминлаш даражасини **63 фоиз**га етказиш режалаштирилган.

Дастур доирасида 951 та ўқув компьютер синфи жамланмаси учун Корея Республикаси Эксимбанки билан ҳамкорликда амалга оширилаётган “Мактаб таълими ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш” лойиҳаси маблағларидан 8,2 млн доллар йўналтирилган.

2022 йил 1 январь ҳолатига 50 та ўқув компьютер синфи жамланмаси етказиб берилган бўлиб, қолган 901 та ўқув компьютер синфи жамланмаси **халқаро ташувдаги муаммолар сабабли етказиб берилмаган**.

### **III. Сув хўжалиги вазирлиги бўйича**

2021 йил учун Давлат дастурлари ва бюджет харажатларининг мақсадли индикаторлари учун дастлаб **5 056,6 млрд сўм** маблағ кўзда тутилган бўлиб, йил давомида харажатлар сметаларига тегишли ўзгартиришлар киритилган ва аниқланган режа **5 730,4 млрд сўм**ни ташкил этган.

**1.** Сув хўжалиги соҳасида замонавий технологияларни жорий этиш дастури бўйича режалаштирилган жами **95,1 млрд сўм**дан, амалда **89,7 млрд сўм** (94,3 фоиз) маблағ ўзлаштирилган.

Дастур доирасида **5 та** сув омборларида назорат-ўлчов ускуналари ҳамда хабар бериш тизимларини модернизация қилиш, таъмирлаш-тиклаш ишлари **бажарилмаган**.

**2.** Қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш дастури учун **9,0 млрд сўм** ажратилиб, ҳақиқатда **7,0 млрд сўм** (77,0 фоиз) ўзлаштирилган.

Электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун **311 та** (режа-241 та) жиҳоз ва ускуналар (қуёш батареяси, частота

ўзгартирувчи қурилма, конденсатор қурилмаси ва бошқалар), **20 553 метр** (19 644 метр) юқори кучланишли кабеллар харид қилинган.

Натижада, **21,3 млн кВт/соат** (режага нисбатан 3,5 млн.кВт.соат кўп) электр энергия иқтисод қилинган.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги ПҚ-5005-сонли қарорига асосан 2021 йилда насос станцияларини ишлатиш учун **7 300 млн кВт/соат** лимити белгиланган бўлиб, амалда **7 281,0 млн кВт/соат** истеъмол қилинган.

Насос станцияларнинг электр энергия истеъмолини тартибга солиш дастури ижросини таъминлаш учун **6 954 млн кВт/соат** электр энергияга **3 129,1 млрд сўм** маблағ режалаштирилган.

Киритилган ўзгаришлар натижасида, режа **3 086,0 млрд сўм**га туширилган. Маблағлар тўлиқ сарфланган бўлсада, 2022 йил 1 январь ҳолатига вазирлик тизимидаги ташкилотларда ишлатилган электр энергия учун **38,0 млрд сўм дебитор** ва **87 млрд сўмлик кредитор** қарздорликлар юзага келган.

Бундан ташқари, сарфланган электр энергия учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилмаганлиги натижасида, биргина “Сурхондарё ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ ва Аму-Сурхон ИТХБ ҳузуридаги НС ва ЭБ ўртасида жами **21,5 млрд сўм** қарздорлик юзага келган (01.01.2022 йил ҳолатига), шундан пеня **596,8 млн сўм**ни ташкил қилган.

4. Пахта хомашёси етиштирувчиларнинг томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш дастури бўйича **814,5 млрд сўм** маблағ режалаштирилган бўлиб, ҳудудий ишчи комиссияларнинг тегишли мурожаатларига асосан **754,4 млрд сўм** (93 фоиз) тўлаб берилган.

Томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш ҳисобига 2021 йилда **447,8 млн м<sup>3</sup>** (92,5 фоиз) сув иқтисод қилинган, қўшимча **93,9 минг тонна** (92,4 фоиз) пахта ҳосили етиштирилган ҳамда **41,1 минг тонна** (92,6 фоиз) минерал ўғитлар ва **4,9 минг тонна** (92,5 фоиз) ёқилғи-мойлаш материаллари иқтисод қилинган.

#### **IV. Автомобиль йўллари қўмитаси бўйича**

2021 йил учун Давлат дастурлари ва бюджет харажатларининг мақсадли индикаторлари учун дастлаб **4 400,0 млрд сўм** маблағ кўзда тутилган бўлиб, йил давомида харажатлар сметаларига тегишли

ўзгартиришлар киритилган ва аниқланган режа **6 357,5** млрд сўмни ташкил этган.

2021 йилда Автомобиль йўллари қўмитаси томонидан **6 318,7** млрд сўмлик (режага нисбатан 99,4 фоиз) ишлар бажарилиб, молиялаштириш **6 021,7** млрд сўмни (94,7 фоиз) ташкил этган.

1. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек, технологик асбоб-ускуналар, техника ва машина-механизмлар харид қилиш, корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш дастури доирасида қуйидаги ишлар амалга оширилган.

2021 йилда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида **914,5** км (режа – 906,0 км) йўл ўтказгичлар ва сунъий иншоотлари қурилган ва реконструкция қилинган.

Қурилган ва реконструкция қилинган автомобиль йўлларида автотранспорт воситаларининг қулай ва хавфсиз ҳаракатланиши мазкур автомобиль йўлларида ўртача суткасига **15,3** мингтагача (режа – 14,8 минг) ҳаракат жадаллиги кузатилган.

2021 йилда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг **125,5** км қисми (режа – 90,0 км) узунликдаги қурилган ва реконструкция қилинган.

Мазкур реконструкция қилинган автомобиль йўлларида автотранспорт воситаларининг ўртача ҳаракатланиш тезлиги **20-30 км/соатга** (режа – 20-30 км/соат) ошиши натижасида, автотранспорт воситаларининг 100 км масофага нисбатан ҳаракатланиш вақти ўртача **26 минутга** (режа – 26 минут) қисқарган.

Ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш ва умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини эксплуатация қилиш учун йўл-таъмирлаш техникалари ва механизмлар харид қилиш ишларига **461 дона** (режа – 35 дона) **450,5** млрд сўмлик махсус техникалар, машина-механизмлар ва автотранспорт воситалари харид қилинган.

Мазкур дастур доирасида умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида ўлчов тарозиларини ўрнатишга **150,0** млрд сўм маблағ йўналтирилиши белгиланган бўлиб, ҳақиқатда ушбу маблағлар **ўзлаштирилмаган**.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 майдаги 337-сон қарори билан 2021 йилда **30 та** вазн ва ҳажм параметрларини назорат қилиш пунктларини қуриш, модернизациялаш ва замонавий техник воситалар билан жиҳозлаш белгиланган бўлиб, амалда **13 таси** (43 фоиз) бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилган ва **7 таси** (23 фоиз) бўйича давлат экспертиза хулосалари олинган.

Бундан ташқари, “KISTLER RUS/FZD Telematics” компанияси билан Жаҳон банки кредит маблағлари ҳисобидан **2 та** ўлчов воситаларини ўрнатиш бўйича шартнома имзоланган (14.07.2021 йил RRFСM-194134-GO-RFB/1-сон).

Ҳозирда, WIM тизими Тошкент вилоятининг М 34 автомобиль йўлининг қатнов қисмига ўрнатилган ва тизимнинг дастурий таъминоти синов тариқасида ишга туширилган.

**2.** Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини мукамал ва жорий таъмирлаш, эксплуатация қилиш ҳамда табиий офатларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш дастури доирасида кўйидаги ишлар амалга оширилган.

2021 йилда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг **120,0 км** қисми (режа – 100,0 км) мукамал таъмирланган.

Мукамал таъмирланган автомобиль йўлларида автотранспорт воситаларининг қулай ва хавфсиз ҳаракатланиши ўртача суткасига **8,0 мингтагача** (режа – 5,0 минтадан 8,0 мингтагача) ҳаракат жадаллиги кузатилган.

Автомобиль йўлларида ўтказувчанлик даражасини ошириш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида **2 587,0 км** (режа – 1 500,0 км) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари жорий таъмирлаш ишлари бажарилган.

Автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида **36 535 дона** (режа – 4 800 дона) интенсив нур қайтарувчи йўл белгилари, автомобиль йўлларида **75,3 км** (режа – 35 км) узунликдаги 1-тоифали йўл тўсиқлари ўрнатилган, **193,5 км** (режа – 180 км) узунликдаги пиёдалар йўлакчалари, **200 та** автопавильонлар янгидан қурилган ва таъмирланган (режа – 200 та).

Шу билан бирга, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларидаги мавжуд бўлган интенсив нур қайтарувчи белгилар, 1-тоифали йўл

тўсиқлари, пиёдалар йўлакчалари, автопавильонлар тўғрисида **электрон маълумотлар базаси тўлиқ шакллантирилмаган.**

Тоғли ҳудудларда **1 350 дона** (*режа – 1 350 дона*) қордан доимий ҳимоя қилиш иншоотлари (*қорни ушлаш тўсиқлари*) янгидан ўрнатилган ва жорий таъмирланган.

Автомобиль йўллари бўйларини кўкаламзорлаштириш, ландшафт-дизайнини яратиш, яшил ҳудудларни ташкил этиш мақсадида **753 945 дона** (*режа – 436 000 дона*) манзарали дарахт, бута ва гул кўчатлари экилган.